Ўзбекистон Республикаси
"FTF-LEA-AUDIT"
Аудиторлик ташкилоти
100003, Тошкент ш, Чилонзор тум.,
Олмазор мавзе, 8/1 уй, 2-йўлак
тел.: 245-23-37, 998-19-28, 998-19-29
E-mail: ftf-audit@yandex.ru

Республика Узбекистан
Аудиторская организация
"FTF-LEA-AUDIT"
р/сч. 20208000104132780001, в ЦОРФ
"УЗПРОМСТРОЙБАНК", МФО:00442,
ИНН: 203677795, ОКЭД: 69202
Сайт: http://www.ftf-centre.uz

2020 й. " 07 " сентябрь *"20-095" – сонли*

Изоҳлар билан фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

БУЮРТМАЧИ ТАШКИЛОТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

- Буюртмачи: **«4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ» АЖ;**
- Манзил: 111219 Тошкент вилояти, Қибрай тумани Салар, Ташгрес кўчаси.;
- Телефон: (+ 998 70) 230-53-32; 230-33-41;
- Ҳ/К счети: 20210000500124960001;
- Банк: "УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ";
- Банк коди: 00399;
- СТИР: 201577810;
- ОКЭД: 42220.

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛИТИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

- Ижрочи: **«FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ:**
- Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент ш, Чилонзор тумани, Олмазор, 8/1 уй, 2-йўлак, E-mail: ftf-audit@yandex.ru;
- Телефон: (+99871) 245-23-37, (+99890) 998-19-28, (+99890) 948-86-84;
- Ҳ/К счети: 20208000104132780001;
- Банк коди: 00442;
- Банк: ЦОРФ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»;
- СТИР: 203677795;
- ОКЭД: 69202.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 01 апрелда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш хуқуқини берувчи 00747-сонли Лицензия;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 17 августда берилган 663-сонли Гувоҳнома (илгари 2001 йил 31 июлда руйхатдан ўтказилган).

аудиторлик ташкилотининг Бош директори Файзиева Мухайё Тоиржоновна (2012 йил 18 декабрда берилган № 04490 сонли аудитор малака серитификати (муддати 2022 йил 18 декабргача узайтирилган);

Мен, «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг аудитори Бердиев Феруз Володяевич (2013 йил 12 октябрда берилган № 05160 сонли аудитор малака серитификати(муддати 2023 йил 6 декабргача узайтирилган) томонидан хўжалик юритувчи субъект "4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ" АЖнинг:

- №1 шакл "Бухгалтерия баланси";
- №2 шакл "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан";
- №4 шакл "Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот";
- №5 шакл "Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот" дан

иборат 2019 йил 1 январдан 31 декабргача ва 2019 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини 2020 йил 02 июнь тузилган № 20-095 сонли шартномага асосан мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ" АЖ ташкилотининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллар молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

Хўжалик юритувчи субъект томонидан:

Узоқ муддатли шартномалар бўйича бажарилган 250 017.0 минг сўмлик хизматлар ҳужжатлар билан тасдиқланмади. Иккинчи томондан ҳам ушбу суммадаги дебитор қарздорлик мавжудлигини тасдиқловчи солиштирма далолатнома тақдим қилинмади. Ушбу ҳолат молиявий ҳисоботларда дебитор қарздорлик ва даромадлар суммасида оғишларга олиб келган.

Умуман олганда ушбу сумма молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасидан ошмайди.

Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, "4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ" АЖ ташкилотининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Бош директор Файзиева М.Т.

Аудитор Бердиев Ф.В.

Хулоса 2020 йил 7 сентябрда тузилди